

БАА Қуръон мусобақасида иштирокчилар сони 1400дан ошди



11:00 / 28.12.2018 1644

БАА “Рас ал-Хайма” мукофоти Қуръони карим фанлари институти томонидан ўтказилардиган Қуръони карим мусобақасининг 19-даврида иштирок этувчилар сони 1420 нафарга етди, деб хабар беради IQNA “Ал-Баён” газетасига таяниб.

Маълум бўлишича, мусобақанинг дастлабки босқичи 2019 йилнинг 3 январиди эркак ва аёллар учун икки қисмдан иборат ҳолда бошланади ва 13 январгача давом этади. “Рас ал-Хайма” мукофоти Қуръони карим фанлари институти Бош котибининг таъкидлашича, бу даврда 688 нафар иштирокчи ўзаро куч синашади. Мусобақага янги, ўзгача руҳ киритиш мақсадида ушбу даврига инновацион технологияларга асосланган “Энг яхши тадқиқот” йўналиши ҳам қўшилган. Ушбу йўналишда 32 нафар киши ўзаро рақобатлашади.

Islom.uz поръали таҳририяти